

## «Чангали кучли арслон» саҳоба



14:30 / 30.05.2024 2840

Ўша кунлари, яъни биринчи кун – Армос кунлари Саъд ибн Абу Ваққос қаттиқ хаста эдилар. Бутун баданларига яра тошиб кетган, ҳатто ўтиролмас эдилар. Аммо шундай бўлса ҳам дунё тарихидаги энг муҳим жангни ўта зукколик ва улкан жасорат билан бошқара бошладилар. Саҳобалар у кишини беҳудага «**чангали кучли арслон**», деб айтмаган эдилар.

Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳу лашкар ичида ваъз қилишга ва «Анфол» сурасини қироат қилишга амр қилдилар. Муслмонларнинг қалблари жўш уриб, кўзларига ёш тўлиб, сокинлик ҳолига келдилар.

Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳунинг ўзлари асосий ваъзни қилдилар. У киши ўз ваъзларида «Батаҳқиқ, Биз Зикрдан сўнг Забурда ҳам: «Албатта, ерга солих бандаларим меросхўр бўлурлар», деб ёзган эдик», оятини

тиловат қилдилар ва:

«Пешинни ўқиб бўлиб, такбир айтаман. Биринчи такбирни айтганимда сизлар ҳам такбир айтиб, тайёргарлик кўринглар. Иккинчи такбирни айтганимда сизлар ҳам такбир айтиб, анжомларингизни кийинг. Учинчи такбирни айтганимда сизлар ҳам такбир айтиб, одамларни ҳаракатга келтиринг. Тўртинчи такбирни айтганимда сизлар ҳам такбир айтиб, душманингизга ҳамла қилинг ва «Лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаҳи»ни айтинг», деди.

Уруш қаттиқ бўлди. Форсларнинг филлари мусулмонларни кўп қийнади. Мусулмонлардан Бани Асад қабиласи катта жасорат кўрсатди ва кўп талофат кўрди.

**«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 23-жузидан олинди**

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 24 августдаги 03-07/5165 рақамли хулосаси асосида чоп этилган.